

ЖУМА МАВЪИЗАСИ  
“14” октябрь, 2016 йил

مُحَرَّم

Усмонхон АЛИМОВ  
“12” Мухаррам, 1438 ҳ.й.

## САВОБ АМАЛЛАРГА ШОШИЛАЙЛИК

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**Хурматли жамоат!** Аллоҳ таоло бандаларини саодатга эриштирадиган барча йўлларни кўрсатиб, бизларни ўша ишларни қилишга қизиктириб қўйди. Жумладан, Моида сурасининг 48 – оятида шундай марҳамат қиласиди:

فَاسْتِقُوا الْخَيْرَاتِ إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا

яъни, «Хайрли (савобли) ишларда бир-бирингиздан ўзишга ошиқингиз! Ҳаммангизнинг қайтадиган жойингиз Аллоҳнинг хузуридир».

Савоб (араб. - яхшилик, эзгулик) – эътиқодимизга кўра, Аллоҳнинг марҳаматига лойиқ иш ва шундай иш учун Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлиш. Инсоннинг хатти-ҳаракати ва фаолияти яхшилик ва ёмонликдан иборат бўлиб, бу динимизда савоб ва гуноҳ деб аталади. Динимиз кўрсатмаларини бажариш, инсон манфаати йўлида фаолият кўрсатиш кабилар савоб амаллар ҳисобланиб, инсоннинг номаи амолига икки фаришта воситаси билан ёзиб борилади. Охиратда инсонларнинг савоб ва гуноҳлари тарозида тортилиб, натижалар Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола этилади

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларни хайрли ишларни қилишга қизиктираси ва бу борада ўзлари уларга намуна эдилар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бу ҳақда шундай дейилган:

عَنْ أَبِي سِرْوَةَ عُقْبَةَ بْنِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِالْمَدِينَةِ الْعَصْرَ، فَسَلَّمَ ثُمَّ قَامَ مُسْرِعًا فَتَخَطَّى رِقَابَ النَّاسِ إِلَى بَعْضِ حُجَّرِ نِسَائِهِ، فَفَزَعَ النَّاسُ مِنْ سُرْعَتِهِ، فَخَرَحَ عَلَيْهِمْ، فَرَأَى أَنَّهُمْ قَدْ عَجَبُوا مِنْ سُرْعَتِهِ، قَالَ: «ذَكَرْتُ شَيْئًا مِنْ تِبْرٍ عِنْدَنَا، فَكَرِهْتُ أَنْ يَحْبِسَنِي، فَأَمَرْتُ بِقِسْمَتِهِ». (رواه الإمام البخاري).

яъни, Абу Сирваъа Уқба ибн Ҳорис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мадинада Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам орқаларида аср намозини ўқидим. У зот салом бердилар-да, одамлар елкасини оралаб, завжалари хонасига тезлик билан туриб кетдилар. Одамлар у зотнинг шошилганларидан хавфга тушишиди. У зот (хужраи саодатдан) чиқиб, одамларнинг таажжубга тушганларини кўриб, «Хузуримизда тилла борлиги эсимга тушиб қолди, у мени чалгитишини ёқтирмаганим учун, уни тақсимлаб юборишга амр қилиб чиқдим», дедилар». (Имом Бухорий ривояти).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламда бу ҳолатни кўрган ва у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимларини олган саҳобалар ҳам бу борада ўзаро мусобақалашишар эдилар.

Имом Аҳмад ўзларининг Муснад китобларида буюк саҳобий Абу Даҳдаҳнинг яхшиликка шошилиши ва савоб ишларни қилишга бўлган хирсини қуидагича ривоят қиладилар:

﴿لَمَّا نَزَّلَ قَوْلُ اللَّهِ تَعَالَى : ﴿مَنْ ذَا الَّذِي يُقْرِضُ اللَّهَ قَرْضاً حَسَنًا فَيُضَاعِفَهُ لَهُ أَضْعَافًا كَثِيرَةً﴾  
(البقرة: 245) قَالَ أَبُو الدَّحْدَاح لِلرَّسُولِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : إِنَّ اللَّهَ لَيُرِيدُ مِنَ الْقُرْضَ؟ قَالَ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ : «نَعَمْ يَا أَبَا الدَّحْدَاح»، قَالَ : أَرْنِي يَدْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَنَأَوَلَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدَهُ، فَقَالَ أَبُو الدَّحْدَاح : إِنِّي قَدْ أَقْرَضْتُ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ حَائِطِي (وَكَانَ فِيهِ 600 نَخْلَةٌ) وَأَمْ الدَّحْدَاح فِيهِ وَعِيَالُهَا، فَنَادَاهَا : يَا أُمَّ الدَّحْدَاح، قَالَتْ : لَبَّيْكَ، قَالَ : اخْرُجْ يِ منَ الْحَائِطِ فَقَدْ أَقْرَضْتُهُ رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ. وفي رواية: أن امرأته لما سمعته يناديها عمدت إلى صبياً لها تخرج التمر من أفواههم، وتتفض ما في أفواههم. تزيد بفعلها هذا الأجر كاماً غير منقوص من الله. لذلك كانت النتيجة لهذه المسارعة أن قال النبي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "كم من عقِ رداح (أي: مشمر وممتليء) في الجنة لأبي الدحداح"

яъни, «Аллоҳ таолонинг: «Аллоҳга чиройли қарз берадиган (Унинг йўлида ўз бойлигидан сарфлайдиган) киши борми?», деган ояти нозил бўлганда, Абу Даҳдаҳ розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Аллоҳ биздан унга қарз беришимиизни истаяптими?», деди. У зот: «Ха эй Абу Даҳдаҳ», дедилар. Шунда Абу Даҳдаҳ пайғамбаримизга: «Ё Rasululloҳ! Менга қўлингизни кўрсатинг», деди. У зот қўлларини унга узатдилар. Абу Даҳдаҳ (у зотнинг қўлларидан ушилаб): «Мен мана шу (600 туб хурмоси бор) bogimni Аллоҳга қарзга бердим», деб богини садақа қилиб юборди. Ўша пайт аёли ва болалари хурмозорда эди. Аёлини чақирган эди, аёли «Лаббай Даҳдаҳнинг отаси», деди. Аёлига: «Богдан чиқ. Мен бу богни Раббимга қарзга бердим», деб нидо қилди».

Боиқа бир ривоятда: «Эрининг бу сўзини эшиштгач, Умму Даҳдаҳ, болаларининг қўлидаги ва оғзидағи еб турган хурмосини олиб қўйди. Бу иши билан ажерга нуқсон етмасин демоқчи бўлди. Натижада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Абу Даҳдаҳ учун жаннатда мевалардан тўлиб тошган боз барпо қилинди», дедилар», дейилган.

Шунинг учун Аллоҳ таоло яхшилик амалларни қилишга шошилувчиларни солиҳ инсонлар, деб атади. Бу ҳақда Оли Имрон сурасининг 114 – оятида шундай марҳамат қилган:

وَيُسَارِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَأُولَئِكَ مِنَ الصَّالِحِينَ

яъни, «(Улар) хайрли ишлар сари шошиладилар. Айнан ана ўшалар солиҳ кишилардандир».

Солиҳ инсонларга эса жаннатда улуғ мукофотлар тайёрлаб қўйилган. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда бу ҳақда шундай дейилган:

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَعْدَدْتُ لِعِبَادِي الصَّالِحِينَ مَا لَا عَيْنٌ رَأَتْ، وَلَا أَذْنُ سَمِعَتْ وَلَا حَطَرَ عَلَى قَلْبِ بَشَرٍ، وَاقْرُؤُوا إِنْ شِئْتُمْ: فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَا أَخْفِيَ لَهُمْ مِنْ قُرْرَةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ» (السجدة: 17). (مُتَّقِّدٌ عَلَيْهِ).

яъни, *Абу Хурайра* розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Солиҳ бандаларимга жаннатда кўз кўрмаган, қулоқ эшишмаган, ва инсонни хаёлига келмаган неъматларни тайёрлаб қўйдим».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар хоҳлассангиз Куръондаги: «Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот учун яшириб қўйилган қўзлар қувончини (охират неъматларини) ҳеч ким билмас» оятини ўқинг», дедилар.

Агар ҳадисга эътибор берадиган бўлсак, ушбу неъматлар фақатгина солиҳ бандаларига берилиши таъкидлаб ўтилмоқда. Оятда эса хайрли амалларни қилишга шошилувчиларни солиҳ зотлар дейилди. Демак ҳар бир мўмин солиҳ бўлиши ва солиҳлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат неъматларига эришиши учун хайрли амалларни қилишга шошилиши лозим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактабларида тарбияланган саҳобалар буни яхши англаб етган эдилар. Шунинг учун савоб амалларни қилиш борасида ўзаро мусобоқалашишардилар.

Агар биродарларидан орқада қолишса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдилари келиб ўзиб кетиш йўлларини сўраб олардилар.

**Ализлар!** Хайрли ва савоб амалларни қилишга интилган саҳобаларнинг хирсини қаранг. Улар уй қуриш, машина олиш ёки бошқа нарсаларда мусобоқалашишмас эдилар улар савоб амалларни қилишда ким ўзарга киришиб кетар эдилар.

Шунинг учун Аллоҳ таоло Мўминун сурасининг 61 – оядида уларни мақтаб шундай деди:

أُولَئِكَ يُسَارِعُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَهُمْ لَهَا سَابِقُونَ

яъни: «Айнан ўшалар яхшиликларни қилишга шошурлар ва унда ўзиб кетувчиidlар».

Мана Умар ва Абу Бакр розияллоҳу анҳумонинг хайрли ишни қилишдаги мусобоқаларига қаранг.

Абу Довуд ва Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Умар розияллоҳу анҳу айтадилар:

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ، قَالَ: أَمْرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ نَتَصَدَّقَ فَوَافَقَ ذَلِكَ عِنْدِي مَا لَا فَقِلْتُ الْيَوْمَ أَسْبِقُ أَبَا بَكْرٍ إِنْ سَبَقْتُهُ يَوْمًا قَالَ فَجِئْتُ بِنِصْفِ مَا لِي فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ

صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «مَا أَبْقَيْتَ لِأَهْلِكَ». قُلْتُ مِثْلُهُ وَأَتَى أَبُو بَكْرٍ بِكُلِّ مَا عِنْدَهُ فَقَالَ «يَا أَبَا بَكْرٍ مَا أَبْقَيْتَ لِأَهْلِكَ». قَالَ أَبْقَيْتُ لَهُمُ اللَّهَ وَرَسُولَهُ قُلْتُ وَاللَّهُ لَا أَسْبِقُهُ إِلَى شَيْءٍ أَبَدًا».

яъни: «Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни садақа қилишга буюрдилар. У зотнинг буйруқлари менда мол давлат бор пайтга тўғри келиб қолди. Ўзимга ўзим: «Бугун хайри эҳсон қилишида Абу Бакрдан ўзиб кетаман», дедим ва мол давлатимнинг ярмини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келиб бердим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аҳли оиласига қанчасини қолдирдинг?», деб сўрадилар. Мен: «Қолган ярмини», дедим. Шу пайт Абу Бакр мол-мulkининг ҳаммасини олиб келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аҳли оиласига қанчасини қолдирдинг?», деб сўрадилар. У: «Аллоҳ ва Унинг расулини», деди. Шунда мен: «Аллоҳга қасамки хайрли ишининг бирортасида ундан ўзиб кетолмайман», дедим».

**Хурматли жамоа!** Юқорида Пайғамбаримиз ва сахобаи киромлар томонидан савоб ишларни қилишга белбоғлаганликларни кўрдик. Биз қандай савобли ишларни қилишимиз Аллоҳга манзур бўлади. Бундай савобли ишлар қаторида қўйдагиларни айтишимиз мумкин:

- Аллоҳ буюрган ишларни қилиш ва қайтарган ишларидан тийилишлик;
- Тўғри сўз бўлиш;
- Ёлғон гапирмаслик;
- Бир-биридан аразлашган одамларни яраштириб қўйиш;
- Касални бориб кўриш;
- Қўшнисига яхшилик қилиш;
- Бирорни оғирини енгиллатиш;
- Қийналганларга қарз бериш;
- Мискин ва бечораларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;
- Ота-онани хизматини қилиш;
- Адашганга тўғри йўл кўрсатиш;
- Касб-корни ҳалол қилиш, бирорни ҳаққига хиёнат қилмаслик;
- Салом бериш;
- Бирорларнинг айбини кечириш;
- Аҳли аёлига ёрдамлашиш;
- Фарзандларни тўғри тарбиялаш ва уларга илм ўргатишли;
- Ҳашарларда иштирок этиш;
- Тинчлик йўлида хизмат қилиш;
- Одамларга манфаати тегадиган ишлар қилиш;

Хайрли ишлар жуда кўп. Факат бу ишларни қилишда савоб умидида холис бўлиш энг муҳим шарт ҳисобланади.

Дарҳақиқат хайрли савоб ишларини ҳар куни қилайлик, муҳтарам азизлар!

Аллоҳ таоло жаннатмакон юртимизни тинч қилсин, мамлакатимиз фаровонлиги, осойишталиги ва халқ манфаати йўлида тинмай ҳаракат қилаётган раҳбарларимизни ёмон кўзлардан асрасин. Ҳақ таоло уларнинг қилаётган хайрли ва савобли ишларида мададкор бўлсин!

Аллоҳ таборака ва таоло барчамизни, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимизни, пахта далаларида, боғ ва полизларда кечаю кундуз ҳормай-толмай фидокорона меҳнат қилаётган бобо дехқонларимизнинг ишларига баракотлар ато этсин. Пахта ҳосили йигим теримида иштирок этаётган фидокор дехқонга ва меҳнатсевар ҳашарчиларга Аллоҳ куч-қувват ва сиҳҳат-саломатлик берсин. Омин!